



**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Беруний тумани 2023 йил 14 июль 4-2302-2303/2389-сонли иш

Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси Б.Т.Бекмуратов раислигида, судья ёрдамчиси С.Кучкаровнинг котибалигида, даъвогар вакили [REDACTED] (2023 йил 13 июль кунги 07-сонли ишончнома)нинг иштирокида, даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан 100 000 781,52 сўм асосий қарз, 50 000 390 сўм пеня ва адвокат хизмати учун тўланган ундиришни сўраган даъво аризасини ўз суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

Даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 100 000 781,52 сўм асосий қарз, 50 000 390 сўм пеня ундиришни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида даъво талабини қўллаб-қувватлаб, даъво аризадаги даъво талаблари ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланишини, пеняни қонун бўйича 2022 йил декабрдан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг яъни 100 000 781,52 сўмнинг 0,4 фоизи миқдоридан келиб чиқиб 180 кунга ҳисобланганлигини, кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ чиққанлиги сабабли 50 000 390 сўмга ҳисоблаганлигини, шу боис даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинишини таъминлаш мақсадида почта алоқа бўлими орқали юборилган, лекин унинг кўрсатилган манзилда йўқлиги тўғрисида почта алоқа бўлимининг маълумоти келиб тушган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128-моддаси иккинчи қисм тўртинчи хатбошига мувофиқ суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса, иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчиси қуйидаги

ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

ИПК 170-моддаси учунчи қисмига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Шу боис юқорида қайд этилганларга кўра суд, жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинган деб ҳисоблаб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

**Суд даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги тўпланган ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга асосан даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топди.**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 8 ва 234-моддаларига асосан, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари олди-сотди шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

ФК 419-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ агар қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасининг шартларидан товар баҳосини муайян муддатда тўлаш мажбурияти келиб чиқмаса, сотиб олувчи уни сотувчи ўзига товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозим.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, тарафлар ўртасида 2022 йил 30 август куни 191-сонли товарлар олди-сотдиси шартномаси тузилган бўлиб, унинг 1.1-бандига биноан даъвогар ўзига тегишли товарлари (қурилиш моллари)ни жавобгарнинг мулки қилиб бериш, жавобгар эса ҳақи тўланганидан кейин олиш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан жавобгарга жами 610 000 724,84 сўмлик ҳар хил турдаги қурилиш моллари етказиб берилган ва етказилган қурилиш моллари ишончномаларга асосан жавобгар томонидан қабул қилиб олинган ва томонлар ўртасида ҳисоб варақ-фактуралар тасдиқланган. Жавобгар томонидан етказилган қурилиш моллари учун тўловлар қисман амалга оширилиб, қолган 100 000 781,52 сўм шу кунга қадар тўлаб берилмаган. Натижада жавобгарнинг даъвогар олдида 100 000 781,52 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Шунингдек, етказиб берилган қурилиш молларининг ҳақини тўлаб бериши ҳақида даъвогар томонидан 2023 йил 30 март кунги талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Ушбу ҳолатлар ишдаги тарафлар ўртасида имзоланган шартнома, ўзаро тасдиқланган ҳисоб-варақ фактуралар, ишончнома ва маълумотнома билан тасдиқланади.

Бундай ҳолатларда даъвогарнинг асосий қарздорликни ундириш тўғрисидаги талаби асосли бўлиб, у 100 000 781,52 сўмга тўлиқ қаноатлантирилиши лозим.

Шунингдек, суд даъвогарнинг ҳисобланган 50 000 390 сўм пеняни жавобгардан ундириш талабини асосли деб ҳисоблайди.

ФКнинг 261-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

ФКнинг 333-моддасига асосан қарздор айби булган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар конун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддаси иккинчи қисмида “Ўтказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) ўтказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди”, - деб белгиланган.

Шунингдек шартноманинг 7.5-бандида маҳсулот учун жавобгар ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома сўммасининг 0,4 фоизи пеня тўлайди, лекин пеня сўммаси шартнома қийматининг  $\frac{3}{4}$  миқдоридан ошиб кетмаслиги кераклиги кўрсатилган.

Даъво аризада юқорида қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқиб кечиктирилган 100 000 781,52 сўмлик кечиктирилган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошмаган ҳолда яъни 50 000 390 сўм пеня талаб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 163-сонли қарорининг 2-бандида судларга шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланиши;

Судлар, неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ

аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатлари ҳисобга олиниши кераклиги;

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги бўйича тушунтириш берилган.

Суд Фуқаролик кодексининг 326-моддасига асос пеняни тўлиқ қўллаш жавобгарнинг мулкӣ аҳволига оғир таъсир этиши мумкинлигини инобатга олиб, даъвогар томонидан ҳисобланган пеняни 20 фоизга камайтиришни, яъни пеня миқдорини  $(50\ 000\ 390 \times 20\ \% = )\ 10\ 000\ 078$  сўмга қаноатлантиришни, қолган қисмини рад қилишни лозим топди.

Бундан ташқари, даъвогар иш бўйича [REDACTED] адвокатлик бюроси билан 2023 йил 17 июнда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган ва ушбу шартномага асосан даъвогар томонидан адвокатлик бюро ҳисоб рақамига 4 000 000 сўм тўлов амалга оширилган. Шу боис суд даъвогарнинг жавобгардан адвокат хизмати учун тўланган 4 000 000 сўм ундириш талабини ҳам асосли деб ҳисоблайди.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 36-сонли қарори 13-бандида берилган тушунтиришларга кўра, Судлар шуни назарда тутиши лозимки, иқтисодий ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; далилларни жойида кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар; суд тайинлаган экспертизани ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар; суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари; суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар; ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлар киради. Судларнинг эътибори суд чиқимларини тўлашдан озод этиш қонунда назарда тутилмаганлигига қаратилсин. Қарорнинг 14 бандида умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди. Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ИПК 118-моддаси билан тартибга солинади. Шу сабабли суд муҳокамаси жараёнида суд (судья) суд харажатлари билан боғлиқ ҳолатларни текшириши, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши ва, нафақат ундирувга бўлган ҳуқуқни, балки иш бўйича тарафдан (тарафлардан) ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилаши ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг, қарорнинг) хулоса қисмида кўрсатиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига илова қилинган Давлат божи ставкалари миқдорларининг 2-банди “а” кичик бандида мулкӣ хусусиятга эга даъво аризалар учун даъво баҳосининг 2 фоизи миқдориди, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 25 октябрдаги РС-59-18-сонли қарорига ўзғартириш киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2022 йил 28 декабрдаги РС-71-22-сонли қарориди барча ишлар бўйича даъво аризаси ва аризалар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдориди почта харажати тўланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ғы ПФ-45-сонли Фармонига асос 2023 йил 1 майдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 330 000 сўм қилиб белгиланган.

Даъвогар томонидан иш бўйича олдиндан 2023 йил 19 июндаги 231700641963-сонли тўлов топшириқномаси билан 33 000 сўм почта харажати ва кичик тадбиркорлик субъекти сифатида 2023 йил 19 июндаги 231702094220-сонли тўлов топшириқномаси билан 1 540 012 сўм давлат божи тўланган.

Шу боис, суд жавобгардан республика бюджетига  $(100\ 000\ 781,52 + 50\ 000\ 390 + 4\ 000\ 000 = 154\ 001\ 171,52 \times 1\ \% =)$  1 540 012 сўм давлат божи ва даъвогар фойдасига 33 000 сўм почта харажати ва адвокат хизмати учун тўланган 4 000 000 сўмни ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларига асосланиб, суд

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

Даъво ариза қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти фойдасига 100 000 781,52 сўм асосий қарз, 10 000 078 сўм пеня, адвокат хизмати учун тўланган 4 000 000 сўм, 1 540 012 сўм давлат божи ҳамда 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига бир ойлик муддат ичида апелляция шикоятни бериши (прокурор протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**Б.Т.Бекмуратов**